

ЭКИШДАН ОЛДИН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Жўраев Акмалжон Нормухаматович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти к.х.ф.ф.д., доцент

Қамбарова Дилноза Қодировна

Доктарант

Исмоилов Ортиғали

Талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6818642>

Аннотация. Мақолада кузги буғдой етиштиришида тупроққа ишлов бериш, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг унинг ўсиш-ривожланишига таъсири тўғрисида, илмий тадқиқотлардан олинган маълумотлар ёритилган.

Калим сўзлар: чизел, культивация, қатор, ўғит, тупроқ эрозияси, тупроққа ишлов бериш, кузги буғдой, кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар, ўсимликнинг бўйи.

ВЛИЯНИЕ ПРИЕМОВ ПРЕПОСЕВНОЙ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ НА РАЗВИТИЕ РОСТА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

Аннотация. В статье отражены сведения, полученные в результате научных исследований о влиянии обработки почвы, густоты всходов и норм минеральных удобрений на его рост и развитие при возделывании озимой пшеницы.

Ключевые слова: чизель, культивация, рядок, удобрение, эрозия почвы, обработка почвы, озимая пшеница, толщина всходов, минеральные удобрения, высота растений.

EFFECT OF PRE-SOWING TILLAGE METHODS ON GROWTH DEVELOPMENT OF WINTER WHEAT

Abstract. The article covers the information obtained from scientific research on the influence of tillage, seedling thickness and mineral fertilizer standards on its growth and development in the cultivation of winter wheat.

Key words: chisel, cultivation, row, fertilizer, soil erosion, tillage, winter wheat, seedling thickness, mineral fertilizers, plant height.

КИРИШ

Тупроқ эрозияси тупроқнинг бузилиши ва унинг унумдорлиги пасайишига кучли таъсир этувчи омиллардан биридир, чунки ушбу жараён тупроқнинг устки чириндили қатлами ювилиб кетишиги олиб келади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг етиштириш агротехнологиялари элементлари, яъни экиш усуллари, мақбул ўғитлаш ва экиш меъёрларини аниқлаш мақсадида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (собик ЎзПИТИ) марказий тажриба участкаси далаларида 2009-2011 йилларда илмий тадқиқот ишларини олиб бордик.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тажриба тизими 18 та вариант 4 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида экинларнинг қатор оралиғи 60 см, узунлиги 100 м.

Мақолада икки хил тупроққа ишлов бериш усули ғўза қатор орасини культиваци қилиш, буғдойдан бўшаган ерни чизеллаш, минерал ўғитларнинг учта меъёлари, $N_{150}P_{105}K_{75}$, $N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{250}P_{175}K_{125}$, ҳамда уч хил уруғ экиш 4 млн, 5 млн, 6 млн меъёрларида тажриба олиб борилди. Юқорида келтирилган омиллар бўйича уч йил дала тажрибалари олиб борилиб кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги ҳамда тупроқнинг эрозион жараёнларига таъсири ўрганилди.

1-жадвал

Тажриба тизими

| № | Кузги буғдойни экиш усуллари | Кўчат қалинлиги, млн дона ҳисобида | Ўғит меъёрлари, кг/га |
|----|--|------------------------------------|---------------------------|
| 1 | Ғўза қатор орасига культивация қилиб экиш. (12-14 см). | 4 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 2 | | 4 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 3 | | 4 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |
| 4 | | 5 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 5 | | 5 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 6 | | 5 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |
| 7 | | 6 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 8 | | 6 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 9 | | 6 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |
| 10 | Чизеллаб экиш. (16-18 см) | 4 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 11 | | 4 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 12 | | 4 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |
| 13 | | 5 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 14 | | 5 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 15 | | 5 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |
| 16 | | 6 | $N_{150} P_{105} K_{75}$ |
| 17 | | 6 | $N_{200} P_{140} K_{100}$ |
| 18 | | 6 | $N_{250} P_{175} K_{125}$ |

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ВА МУХОКАМА

Тажрибаларда олиб борилган кузатишларимиздан шу нарсалар маълум бўлдики кузги буғдойни экишдан олдин экинлардан бўшаган майдонларни чизел (16-18 см) қилиб экилган вариантларда ғўза қатор орасига (12-14 см) чуқурликда культивация қилиб экилганга нисбатан тупроқнинг физик хоссаларини яхшиланганлиги ҳисобига буғдойни униб чиқиши, тупланиши ҳамда ўсиб ривожланиши бир мунча яхшироқ бўлганини кузатилди. Кузги буғдой ўсимлигининг бўйини ўрганилганда эса кўчат қалинлиги, минерал ўғитлар меъёрларини ортиб бориши ҳисобига ҳам ушбу кўрсаткичлар қонуниятга мос равишда ортиб борганлигини кузатиш мумкун. Мисол учун 2011 йил 1 июн натижаларига қарайдиган бўлсак ғўза қатор орасига культивация билан ишлаб 4 млн.дона уруғ экиб $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг меъёрда минерал ўғитлар қўлланилган вариантда кузги буғдойнинг бўйи 73.8 см (2-жадвал)

2-жадвал

Тупроққа ишлов бериш, маъдан ўғитлар ва уруғ экиш меъёрларини кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига таъсири. 2011 й

| № | Кузги буғдойни экиш усуллари | Кўчат қалинлиги, млн дона | Ўғит меъёрлари, кг/га | Ўсимликнинг бўйи, см |
|----|--|---------------------------|--|----------------------|
| 1 | Вза қатор орасига култивация қилиб экиш. (12-14 см). | 4 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 73,8 |
| 2 | | 4 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 82,5 |
| 3 | | 4 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 91,3 |
| 4 | | 5 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 89,2 |
| 5 | | 5 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 92,2 |
| 6 | | 5 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 95,3 |
| 7 | | 6 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 87,7 |
| 8 | | 6 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 94,4 |
| 9 | | 6 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 101,2 |
| 10 | Чизеллаб экиш. (16-18 см) | 4 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 94,6 |
| 11 | | 4 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 97,5 |
| 12 | | 4 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 100,5 |
| 13 | | 5 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 93,8 |
| 14 | | 5 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 96,3 |
| 15 | | 5 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 98,9 |
| 16 | | 6 | N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅ | 81,9 |
| 17 | | 6 | N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 94,2 |
| 18 | | 6 | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 106,6 |

бўлган бўлса, худди шундай кўчат қалинлигида, бир хил ўғитлаш меъёрларида чизеллаб экилган 10-вариантда эса кузги буғдойнинг бўйи 94,6 см ни ташил қилди. Уруғ меъёрини 5 млн.дона экилган N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг меъёрда ўғит қўлланилган меъёрларида ўза қатор орасига култивация билан ишлаб ва чизеллаб экилган 4-, 13-вариантларда эса ўсимликнинг бўйи 89,2-93,8 см ни ташкил қилган.

Кузги буғдойнинг экиш меъри 6 млн.дона қилиб белгиланган энг юқори ўғит (N₂₅₀ P₁₇₅ K₁₂₅) меъёрида ўза қатор орасига экилган 9-вариантда ўсимликнинг бўйи 101,2 см, чизеллаб экилган 18-вариантда 106,6 см ни ташкил қилганлиги кузатилди.

ХУЛОСА

Минерал ўғитларни ортиб бориши ва кўчат қалинлашганлиги ҳисобига учала йилги тажрибаларимизда ҳам кузги буғдой бўйининг ўсиб кетиши унинг пишиш фазасини кечикишига ва пояларини ётиб қолиб махсулдор поялар сонини сезиларли даражада камайиб кетишига сабаб бўлди.

Ўз ўзидан кўришиб турибдики уруғларни экиш меъёрларини ва минерал ўғитларни меъёрларини ортиб бориши ўза қатор орасига култиватор билан ишлов берилган ва чизелланган майдонларга экилган кузги буғдойларни бўйларини ўсиб кетишига сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин.

REFERENCES

1. Жўраев А., Хошимов И., Маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири // «Экология хабарномаси» журнали. Тошкент, 2018. №5(205). Б. 16–17. (06.00.00.№2).
2. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу // «Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 12-14 с.
3. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника // «Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 15-18 с.
4. Жураев А., Хошимов И. Влияние агротехнологии озимой пшеницы на зерновую плодородность // журнал: «Актуальные проблемы современной науки». Москва, 2018. №4. С. 166–168. (06.00.00.№5).
5. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
6. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятия при возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.
7. Жураев А.Н., Оптимальные элементы агротехнологии при возделывании озимой пшеницы //Международный центр научного сотрудничества «Приоритетные направления развития науки и образования». Пенза. 2018. С. 69–72.
8. Жўраев А., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж., Пути повкшения плодородия почв и урожай озимой пшеницы // Ж. The Way of Science international scientific journal. ISSN: 2311-2158. №6(76), 2020. 21-б.
9. Жўраев А.Н., Алимов.Ф.М., Исмоилов.О, Кузги буғдой кўчат қалинлигини тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири // ISSN: 2181-3337 SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal. [https:// doi.org/10.5281/zenodo.6673233/100-104](https://doi.org/10.5281/zenodo.6673233/100-104) б.
10. Жўраев А.Н., Алимов.Ф.М., Исмоилов.О, Кузги буғдой Агротехнологияси ва дон ва ҳосилдорлиги // ISSN: 2181-3337 SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal. [https:// doi.org/10.5281/zenodo.6673319/105-109](https://doi.org/10.5281/zenodo.6673319/105-109) б.